

«Вой, суюнган тоғим, ишонган боғим» деб  
йиғлашнинг ёмонлиги (Ўттиз олтинчи суннат)



11:44 / 11.05.2024 2487

هُلِّلَا يَضَرُّ هَلِّلَا ذَبَعُ نَع  
هَلِّلَا يَلِصُّ يَبْنَلَا نَع، هُنَع  
أَنْ مَسَيْلَ: لَأَق مَلَسُو هِيَلَع  
قَشَو، دُوْدُخُلَا بَرَضُ نَم

# يَوَعِدُكَ اَعْدَاؤُكَ ، بَوِيْجُ لَآ اَلْاِيْمَةُ سَمَّخُ لَآ هَاوَرِ . ءِيْلَهَ اَجْ لَآ . دُوَادَ اَبَا

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким юзларига урса, ёқаларини йиртса ва жоҳилият даъвати ила чақирса, биздан эмас», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда биров вафот этганида унинг яқин қариндошлари ўзини қайғули қилиб кўрсатиш учун ўзини ўзи уриб, кийим-бошларини йиртиб, «Вой, суянган тоғим, ишонган боғим», «Фалоним, пистоним», деб, Исломга тўғри келмайдиган гапларни айтиб, дод солиб йиғлаши ҳақида сўз кетмоқда. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда ёмон ишлар бўлганлиги ва мусулмон одамга мутлақо тўғри келмаганлиги учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай қилганларни «биздан эмас», демоқдалар. Бу ниҳоятда оғир гап, яъни «биздан эмас» деганлари мусулмонлардан эмас, деганларидир.

Минг афсуслар бўлсинки, кўпгина ўлкаларда ҳозиргача ушбу ҳадиси шарифга амал қилмай келинмоқда. Кишилар, хусусан, аёллар бошқаларнинг жоҳилият ўлчови билан айтадиган гапларидан қўрқиб, ўзларини жоҳилият ишига уриб, юзларини юлиб, қонатадилар, кийимларини йиртадилар. Ҳушларидан кетиб қолгунларича доду фарёд соладилар. Мўмин-мусулмон одам умуман оғзига олиб бўлмайдиган гапларни айтиб, йиғлайдилар.

Аслида ушбу ҳадисга амал қилган ҳолда ман қилинган ишларни мутлақо қилмаслик керак. Ўлган киши ҳақида қайғуришнинг исломий, савобли йўллари бор, ўшаларни қилиш лозим.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**